



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRLOGI
BUYRÍGÍ**

4«avgust»2023 jil.

637-A/F-san

Nókis qalası

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 2 август кунги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига бағишлаб ёшлар ўртасида веломарафон мусобақасини ташкил этиш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги 01/1004-A/F-сон буйруғининг ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ–241-сонли қарорига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 2 август кунги 01/1004-A/F-сон буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги ПҚ–241-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2023 йил 2 август кунги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига бағишлаб ёшлар ўртасида веломарафон мусобақасини ташкил этиш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги 01/1004-A/F-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг мазкур буйруғи билан:

Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига бағишлаб ёшлар ўртасида веломарафон мусобақалари (бундан буён матнда веломарафон деб юритилади) жорий йилнинг 20 августга қадар юқори савияда ўтказиш белгиланганлиги;

б) Веломарафонни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

в) Оммавий спортни ривожлантириш бошқармаси (Ш.Моминджонов), Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби (А.Юнусов)га веломарафон ўтказиладиган жойларни

тайёрлаш ва республиканинг барча ҳудудларида юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишни назоратга олиш вазифаси юклатилганлиги;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаларига:

- веломарафонни ташкил этиш ва уни юқори савияда ўтказиш ишларини тизимли равишда амалга ошириш чораларини кўриш;

- веломарафонни ўтказиш йўналишлари бўйича марказий кўчалар, диққатга сазовор жойлар, мусобақа ўтказиладиган йўналишлар атрофларини мусобақа ҳақида маълумот берувчи реклама роликлари, махсус баннерлар, афиша ва плакатлар билан безатилишини таъминлаш;

- веломарафонлар ўтказиладиган жойларда зарур тиббий анжомлар, тез тиббий ёрдам хизмати, тегишли спорт жиҳозлари, спорт инвентарлари ва малакали мутахассисларни жалб қилинишини таъминлаш;

- веломарафонлар ўтказиладиган ва иштирокчилар жойлашадиган жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва фавқулотда вазиятларни олдини олиш ҳамда ташкилий кўмита томонидан тақдим этилган жадвал ва жойлашув рўйхатига мувофиқ йўлларни старт-финиш майдони атрофларини тўсиш чораларини кўриш вазифалари юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш шўъбаси (**И.Қудияров**)га, Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси Қорақалпоғистон бўлими (**П.Арсланбаев**)га ва Нукус шаҳар ва туман спорт мактабларига:

б) веломарафонни ташкил этиш ва уни юқори савияда ўтказиш ишларини тизимли равишда амалга ошириш чораларини кўриш;

в) веломарафон ўтказиладиган жойларда зарур тиббий анжомлар, тез тиббий ёрдам хизмати, тегишли спорт жиҳозлари, спорт инвентарлари ва малакали мутахассисларни жалб қилинишини таъминлаш;

г) веломарафон ўтказиладиган ва иштирокчилар жойлашадиган жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва фавқулотда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда старт-финиш майдони атрофларини тўсиш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

4. Идора ва ташкилотларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш шўъбаси (**И.Утемуратов**), Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси Қорақалпоғистон бўлими (**П.Арсланбаев**) ва спорт мактаблари директорларига:

а) веломарафонни ўтказиш йўналишлари бўйича марказий кўчалар, диққатга сазовор жойлар, мусобақа ўтказиладиган йўналишлар атрофларини мусобақа ҳақида маълумот берувчи реклама роликлари, махсус баннерлар, афишалар билан безатилиши ҳамда веломарафон ҳақида тарғибот ишларини олиб борсин.

5. Вазирликнинг Марказлаштирилган бухгалтерия хизмати шўъбаси бошлиғи (**З.Уразимбетова**)га:

- веломарафоннинг ғолиб ва совриндорлари вазирлик томонидан тасдиқланган I, II, ва III даражали тегишли дипломлар ва медаллар ҳамда қимматбаҳо совғаларни харид қилиш вазифалари юклатилсин.

6. Вазирликнинг Ахборот хизмати (А.Пиряров)га:

- мусобақа жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда мунтазам равишда ёритиб борилишини тавсия этиш ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш вазифалари юклатилсин.

7. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси бош мутахассиси (А.Турениязов)га:

- мазкур буйруқ билан вазирликнинг тегишли шўъба бошлиқларини таништириш ҳамда Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси Қорақалпоғистон бўлими ва спорт мактабларига юбориш вазифалари юклатилсин.

8. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.в.б



А.Алланазаров



Веломарафонни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғридаги НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ–241-сон қарори билан тасдиқланган “Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурининг 32-банди ижросини таъминлаш мақсадида ушбу низом асосида ёшлар ўртасида веломарафон мусобақаларини (бундан буён матнда веломарафон деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Веломарафон Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилади. Веломарафонда аҳолининг кенг қатламлари, айниқса ёшлар иштирок этади.

2. Веломарафон Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан ўрнатилган қоидаларга кўра ўтказилади ва ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади. Веломарафонни ўтказиш учун ҳакамлар ҳайъати таркиби Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан тасдиқланади.

3. Веломарафон Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилинади.

2-боб. Веломарафоннинг мақсад ва вазифалари

4. Веломарафоннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ–241-сонли қарорида белгиланган топшириқларни бажариш, шунингдек, спортнинг велоспорт турини оммалаштириш, маҳалла ёшларини оммавий тарзда жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш ва уни янада ривожлантириш.

5. Веломарафоннинг вазифалари куйидагича:

а) аҳолини жисмоний тарбиялаш, соғломлаштириш, камол топтириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кўпроқ жалб этиш;

б) юртимизнинг чекка ҳудудлари ва қишлоқларида жисмоний тарбия соғломлаштириш ишларини янада жадаллаштириш;

в) ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олишни тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтиришдан иборатдир.

3-боб. Веломарафонларни ўтказишга раҳбарлик қилиш

6. Веломарафон ўтказиш бўйича раҳбарлик Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ва Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан амалга оширилади.

7. Веломарафон ўтказишда ҳакамлар ҳайъати рўйхати бевосита Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан тасдиқланади.

8. Веломарафон адолатли ва шаффоф ҳолда ўтказилиши, мусобақага бевосита раҳбарлик қилиш Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан тасдиқланган бош ҳакамлар ҳайъати зиммасига юклатилади.

9. Веломарафонда иштирок этувчиларинг рўйхатга олиш Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан шакллантирилган ҳакамлар томонидан амалга оширади.

4-боб. Веломарафонларни ўтказиш муддати ва жойи

10. Веломарафон Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси Қорақалпоғистон бўлими билан ҳамкорликда амалга оширилади.

11. Веломарафон Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри ва туманларда 2023 йил 20 август кунига қадар ойида ўтказилади.

5-боб. Веломарафонда иштирок этиш шартлари

12. Веломарафонда Қорақалпоғистон Республикасида, ёши, жинси, миллати, ирқидан қатъий назар барча ҳаваскор велосипедчилар иштирок этишига рухсат этилади.

13. Веломарафоннинг шартлари Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан тасдиқланган норма ва талабларга кўра амалга оширилади.

14. Веломарафонда иштирокчилар спорт кийимида қатнашишлари шартлиги белгиланади.

15. Веломарафонга ҳакамлар ва тренерлар йиғилганидан фойдаланиб семинар ва мастер-класслар ўтказилади.

6-боб. Веломарафонни ўтказиш шартлари

16. Веломарафонни ўтказиш шартлари спорт турининг хусусияти, халқаро норма ва талаблардан келиб чиқиб белгиланади.

17. Веломарафонни қоидаларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан бош котибнинг буйруғи билан тасдиқланган бош ҳакам зиммасига юклатилади.

18. Веломарафон ҳакамларнинг вазифалари Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси Қорақалпоғистон бўлими қоидалари асосида белгиланади.

19. Веломарафонда ҳакамлар ва ташкилотчилар сони мазкур Низомнинг мувофиқ белгиланади.

20. Веломарафонни ўтадиган йўлнинг узунлиги ҳудудлар шароитлар келиб чиқиб, бош ҳакам ва ҳакамлар ҳайъати томонидан белгиланади.

21. Веломарафон низомининг тегишли бандларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда мусобақанинг бошланишидан 3 кун олдин мусобақа иштирокчиларига тақдим этилади.

7-боб. Веломарафонни молиялаштириш ва тақдирлаш манбалари

22. Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан веломарафоннинг ғолиб ва совриндорлари вазирлик томонидан тасдиқланган I, II, ва III даражали тегишли дипломлар ва медаллар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

23. Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан молиявий имкониятдан келиб чиққан ҳолда, мусобақани молиялаштириш бўйича мазкур Низомга ўзгартириш киритилиши мумкин.